

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 3 июнь, №115 (3227)

Сешанба



## Хайрли ният САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 28-31 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Москва, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Санкт-Петербург саммитларида ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллик юбилейига бағишланган тантаналарда иштирок этди.



29 май куни бўлган Москва учрашувининг умумий натижаси — ШХТни халқаро ташкилот сифатида шакллантириш жараёни ниҳоятга етди. Президентлар ташкилот органларининг фаолиятини тартибга солиш ҳужжатлари, эмблема ва байроғини тасдиқлади. Ташкилот органлари фаолиятига доир молиявий масалаларга аниқлик киритилди.

Ислон Каримов Москвага жўнаб кетиш олдида журналистларга берган интервьюсида, Ўзбекистоннинг ШХТга аъзоликдан қўзғалган мақсадлари, манфаатлари, ушбу ташкилот тақдирига муносабатини атрофлича шарҳлаган эди. Мамлакатимиз манфаатлари ҳавфсизлик, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар, транспорт коммуникациялари масалаларида акс этди. Бу ҳусусда ШХТ аъзоларининг қарашлари фарқ қилмайди.

Лекин Ислон Каримовнинг фикрича, ШХТнинг ривожланиши учун фақат шу масалаларга эътибор қаратиш билан чеklangн бўлмайди. Ташкилотни сиёсий турли ўйинлардан, бошқа давлатлар қарши қаратишга уринишлардан, ҳар хил гуруҳбозликлардан сақлаш керак. Ҳамкорлик, очкилик ва тенглик таъминлари, аъзо мамлакатлар ва уларда яшовчи халқлар манфаати асосда қурилиши керак. Акс ҳолда, келишмовчиликлар юзга келиб, фақат саммитларда баланспарвоз гаплар айтиладиган, аксарияти қоғозда қолиб кетадиган ҳужжатлар имзоланадиган ташкилотга айлиб қолиши мумкин.

ШХТнинг Москва саммити ташкилотнинг шаклланиш жараёнига нукта қўйибгина қолмай, унинг аъзо мамлакатлар манфаатларига хизмат қиладиган тузилма эканлиги тасдиқ ҳам бўлди. Шу маънода, Президентимиз Тошкентга қайтиш чоғида журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, Москва саммити натижалари Ўзбекистоннинг мақсад ва манфаатлари доирасидан четга чиқмади. Ислон Каримов бу таъкиднинг журналистларга ҳали маълум бўлмаган бир неча янгилик билан изоҳлади.

Авалло, шунинг қайд этиш лозимки, ШХТнинг навбатдаги саммитига қайси мамлакат мезбонлик қилиши масаласи муҳокамаи чоғида Президентлар Ўзбекистон пойтахтини танлади. Ислон Каримовнинг билдиришича, Ўзбекистон томони масала бу тарафда қай этилишини кутмаган экан. Аммо, сўбатда тасдиқ бўлмади. Мантиқан олганда, бу ечимнинг аниқ сабаблари йўқ эмасди. Гап шундаки, саммит мезбон ташкилотга раислик ҳуқуқини қўлга кўришди. Бундай ҳуқуқ эса, ҳаққи равишда ўзининг олд, қатъий ва мустақил сўбатига эга бўлган, бошқа давлатларнинг

таъсир доирасига тушмайдиган ва таътирдан қўчиладиган мамлакатга берилади. Ўзбекистоннинг халқаро ҳавфсизлик ва интeрeтeга борасидаги саяё-ҳаракатлари, ташкилотнинг ичкилиги саммит қатнашчиларини мамлакатимизга шундай масъулиятли вазифани топиришга ундаган бўлса, ажаб эмас. Ушбу масъулият Ўзбекистонга берилган муносабат ҳам, мамлакатимиз нуфузининг яна бир эътибори ҳамдир.

ШХТ саммитида ташкилотнинг минтақавий ақилтерор тузилмаси (Марказ) қароргоҳи Бишкекда бўлиши ҳақида гап борганди. Ҳатто матбуотда ҳам ёзилди. Лекин кейинчалик бу фикр ўзгариб, Марказ қароргоҳини Тошкентга қўйиш борасида келишиб олинди. Албатта, бу қарор негизда ҳам Ўзбекистон хориждан ташланган нигоҳлар ва берилган баҳоларнинг ўз ўрни бор, мамлакатимизнинг террорчиликка қарши курашидаги амалий саяё-ҳаракатлари, дадил ташаббусларининг ҳиссаси катта, десак, хато қилмаган бўлишимиз. Ҳеч бир мамлакатни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, ақилтерор марказ фаолияти Тошкентдан бошқариб борилса, бу энг маъқул йўл бўлади. Ўзбекистон

томони бу фикрнинг эътироф этилиши учун баёнотлар эълон қилгани йўқ, мамлакатимизнинг халқаро коммуникациялари оидин кўриб тургани учун эътибор ва эътироф табиий равишда ўз-ўзидан юзга келиди.

Шу маънода, ШХТнинг Москва саммити муваффақиятли кечди, дейиш учун барча асослар етарли. Ташкилот ўз фаолиятининг ҳуқуқий пойдеворини қуриб бўлди ва улар барча аъзоларнинг манфаатларига бирдек хизмат қилишига йўналтирилганининг тасдиқини топди. Президент Ислон Каримов ўзининг Москвада Хитой раҳбари Ху Цзинтао билан бўлган учрашуви ҳам қўриб баҳо берди. Яқинда ХХР раиси лаовзинини эълон қилди. Президентлар байрам қайиғида эканлигига қарамай, бу сафар ҳам мулоқот шундай руҳда ўтди. Кун тартибидagi асосий масала — Эркин савдо зонаси. Бу ҳақдаги ҳужжат имзолашга ун йил бўлган. Лекин у ҳали ҳам ҳаётда ўз аксини топгани йўқ. Чунки, Президент Ислон Каримов таъкидлаб келатганидек, МДХ ташаббуслари, таклифларнинг адоги қўримайди. Шу сабаб ҳам Ҳамдўстлик доирасида турли тузилмалар юзга келипти, бир-

масин, Пекин Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш, аниқса, сармоя ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорлик масалаларини доим эътиборда тутишини таъкидлади. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари учрашувида журналистларнинг катта қизиқиши билдириши Х.Цзинтаонинг фикрлари жамоатчилик томонидан билдирилган бир тасдиқ бўлди.

ШХТ саммитидан кейин Президент Ислон Каримов шу кунларда 300 йиллик туғилган нишонидан Санкт-Петербургда йўл олди. Бу ерда МДХ Президентларининг но-расмий учрашуви бўлиб ўтди. Ҳамдўстлик саммити доим қизиб турган ташкилот бўлиб ўтди. Президентлар байрам қайиғида эканлигига қарамай, бу сафар ҳам мулоқот шундай руҳда ўтди. Кун тартибидagi асосий масала — Эркин савдо зонаси. Бу ҳақдаги ҳужжат имзолашга ун йил бўлган. Лекин у ҳали ҳам ҳаётда ўз аксини топгани йўқ. Чунки, Президент Ислон Каримов таъкидлаб келатганидек, МДХ ташаббуслари, таклифларнинг адоги қўримайди. Шу сабаб ҳам Ҳамдўстлик доирасида турли тузилмалар юзга келипти, бир-

биринчи ўрнига қайтадан тузилади.

МДХ Давлат раҳбарлари кенашини раиси, Украина Президенти Леонид Кучманнинг билдиришича, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида эркин савдо зонаси бўйича олтидан зиёд икки томонлама ҳужжат имзолашга, бу улкан ҳудудда яна шунча эркин бозор сегментлари мавжуд.

Бу маълумотни келтиришдан мақсад ҳали-ҳамон МДХнинг айрим аъзолари тор дорада иш юритаётганини таъкидламоқдир. Барча мамлакатлар қонун ҳужжатларини мувофиқлаштирмас, чегара, божхона, солиқ масалаларини бир-галликда ечмас экан, ягона бозор тузиб бўлмайди. Майда бозорлар ташкил этиш ҳақида турли баёнотлар эълон қилиниб, ишлаб-айтиш ҳужжатлар тузилиши МДХдаги муносабатлар тизимига раҳна солади. Бошқача айтганда, ҳамма шу йўсунда ташаббусларни ка- берилиб кетса, МДХнинг эртаси ҳақида ижобий фикр айтиш дурғом бўлиб қолади.

Шу йилнинг февралда МДХнинг турт аъзоси ягона иқтисодий минтақа тузишга келишиб олди. Унгача божхона иттифоқи ва Евроосиё иқтисодий ҳамжиамияти ҳам тузилган эди. Ўзбекистон бу

ҳаракатларнинг бирортасини ҳам маъқулламади. Чунки МДХни тузишдан қўзғалган бош мақсаднинг ўзи турли соҳалардаги алоқаларни сақлаб қолиб, уларни янгича шаклда ривожлантиришдан иборат эди. Ҳамдўстлик даражасида эришилмаган натижага эса, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ҳаракат қилинганда ҳам эришиб бўлмаслиги таъин.

Шу боис Ҳамдўстликнинг аввали саммитида Эркин савдо зонаси масаласи жиқлий муҳокама қилинганди. Санкт-Петербургда яна бош мавзуга айланди. Сентябрда бўлажак Ялта саммитида ушбу зонани ташкил қилишнинг биринчи босқичига нукта қўйишга келишиб олинди.

Албатта, эркин савдо зонаси барпо этиш бир кунлик иш эмас. У кўп меҳнат талаб қилади. Аввало чегараларни очиб, божхонадан ўтиш тартибини мослаштириш, енгиллаштириш керак. Кейин солиқ, коммуникация масалаларини қўриб чиқиш керак. Кўп билан ишланса, босқич-ма-босқич барча вазифаларни удаллаш мумкин.

Ислон Каримов Ялта саммити МДХ ҳаётида жиқлий воқеа бўлишига умид билдириди. Бу ишда Россиянинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлади. Россия МДХ аъзоларининг бошини қўвиштиришда, ҳақиқатан ҳам, муҳим аҳамият касб этишини ҳе қим дикор этмайди. Бундан Россиянинг ўзи ҳам манфаатдор. Айни вақтда бошқа мамлакатлар ҳам амалий ҳаракатларга изчиллик бахш этиши мақсада мувофиқдир.

Президент МДХ саммитидан кейин Санкт-Петербургда юбилейга бағишлаб уюштирилган бошқа тадбирларда мулоқотларини давом эттирди. Ислон Каримовнинг таъкидлашича, Барзан қисқа, баъзан атрофчида суҳбат тарзида ўтган бундай мулоқотлар давомида МДХ раҳбарлари бир тўхтама келган. Демак, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига юз бераётган ижобий ўзгаришлар МДХда ҳам интиқос топишга умид қилиш мумкин. Зеро, барча давлатларнинг истаги — ҳамкорликни ривожлантириш. Бу — яхши ният. Хайрли ният эса бешмар кетмайди.

**Анвар БОБОВЕВ,**  
Уза махсус мухбири.  
Тошкент — Москва — Санкт-Петербург — Тошкент.  
**СУРАТДА:** ташриф пайти.  
**Абдувоҳид ТУРАЕВ**  
олган сурат.

Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилоятида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси муҳокама қилинди.

Бугунги кунда вилоятда 5 та шаҳарча, 115 та қишлоқ, 674 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият юритмоқда. Улар қонунда белгиланган ваколатлар асосида муайян ижобий ишларни амалга оширмоқдалар.



Олий Мажлисида

## Ўзибўларчилик

билан муаммолар  
ҳал этилмайди

Чунончи, фуқаролар йиғинлари солиқни сақлаш ҳамда мактабга тарбия муассасалари билан биргаликда бошқарилган, ёлғиз қариялар, ҳомиладор аёлларнинг солиқини мустақамлаш мақсадида тиббий кўришдан ўтказиш, болаларни эмлаш каби ишларни амалга оширмоқда. Маҳалла гузарларида тиббиёт таянч нуқталари ташкил этилган. Масалан, Жарқўрғон туманидаги "Меҳнат-роҳат", Термиз шаҳридаги "Жўйжантал" маҳалласида аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний ақидаларни тартиқлашнинг олдин олишга қаратилган 956 та, вояга етмаган ёшлар тарбиясига қаратилган 761 та тадбир ўтказилган. Шунингдек, вилоятда 2002 йилда 37746 ишчи ўринлари яратилиб, 15966 нафар фуқаро иш билан таъминланган. Бу борада олиб борилган ишлар натижасида 2001 йилга нисбатан содир этилган жиноятларнинг барча турлари бўйича камайишига эришилган.

Маҳалла посбонларининг кенг қамровли махсус профилактик тадбирларида фаол иштирок этиши, ички ишлар идоралари ҳодимларига яқиндан ёрдам бериб келиши натижасида 2002 йилда 505 та ҳуқуқбузарликнинг олди олинди ҳамда 42 та жиноят фош этилди. Шунингдек, йил

давомида чегара посбонлари томонидан 19 нафар чегарани бузиб ўтувчилар ушланган ва 1 миллион сўмлик товар-моддий бойликларнинг четга чиқиб кетишининг олди олинган.

Мажлисида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ижро қилиш борасида вилоятда амалга ошириладиган ишлар билан бирга қатор хато ва камчиликлар мажбуриятли таъкидланди. Хусусан, кўп бола оилаларга боласи 16 ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақалар бўйича 26 маҳаллада 33 ҳолатда 496,7 миң сўм нуқсоний тайинланганлиги аниқланган. Шунингдек, бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун тўланадиган нафақа бўйича 25 маҳаллада 36 ҳолатда 446,9 миң сўм нафақа ноқонуний равишда берилган. Бундан ташқари, фуқароларга моддий ёрдам тўловини амалга оширишда ҳам 20 та маҳаллада 33 ҳолатда 641,7 миң сўм маблағ нотўғри сарфлангани аниқланган.

Ингиллишда айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида етарли даражада профилактик ишлари олиб бормаятгани, ишсизлик муаммоларини ҳал этишда узибўларчиликка йўл қўётгани таъкидланди.

**Б. ЭГАМКУЛОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳеч кимга сир эмас, беназир истеъдодга ва ўз соҳалари бўйича қомусий билимга эга бўлган аждодларимиздан турли нечаси давр ва тақдир тақозоси билан Шарқнинг турли минтақаларида яшаб юзати қилишган. Уларнинг мангу оромгоҳлари Афғонистон, Эрон, Хиндистон, Покистон, Туркия, Сурия ва бошқа давлатлар ҳудудида жойлашган. Аксариятининг қабр-мақбаралари яхши сақланмаган; айримлари жиқий таъмир-таъмир ва муҳтож, баъзилари турли сабабларга қўра бўзилиб, вайронга айланган. Шу боис Ўзбекистон Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида Юртбошимиз буюк аждодларимиз ётган масканларни ўрганиш ва ободонлаштириш масаласига эътибор қаратди. Бу борада 1992 йили Андижонда ташкил топган Бобур халқаро жамғармаси хайрли ишларни амалга ошираётганини алоҳида таъкидлади. Ушбу жамоат ташкилотининг фаолияти ҳақида Бобур халқаро жамғармаси раиси Зокиржон МАШРАБОВ ҳикоя қилади:

Эгулик

Жамғармаимз истиқлол шарофати билан тузилган. Унинг асосий мақсад-вазифалари биринчи гада Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва юртимиздан етишиб чиқиб, турли ўлкаларда умргузаронлик қилган бошқа улуг ватандошларимиз ҳаёти ҳамда ижодий-иқтисодий фаолиятини ўрганиб, бой тарихий, илмий-адабий мерослари ҳақида маълумотлар излаб топиб, юртимизга келтириш, уларнинг чет элларда қолиб кетган қабр-мақбаралари ҳолатини ўрганиш, имкон бўлса, таъмирлаб, зияратгоҳларга айлантириш чораларини кўришдан иборатдир.

Мана, ўн бир йилдирки, уша рекаларимизнинг баҳони қудрат амалга ошириб келаятиз. Жамғарма қошидаги халқаро илмий экспедициямиз тўққиз бор Африка қитъасидан Хиндистонга ярим ороли (Бирма)га сафар уюштирди. Жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний,

Бобур, Бобораҳим Машраб, Хусайн Байқаро, Зокиржон Холмуҳаммад угли Фурқат, Али Қушчи, Хумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Аврангзеб, Баҳолиршоҳ — Зафар сингари алломаларимизнинг қабрларини эзбарт қилиб, дадиллар тўпладди. Уларнинг шу кунги аҳолини ўрганиб, таъмирга тушириш, жамоатчиликка етказиб, илмий истеъмолга киритди.

Экспедициямиз ҳозирга қадар 250 миң километрдан зиёд масофани автомобилда босиб ўтиб, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон, Туркия, Сурия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Миср, Хитой, Покистон, Хиндистон, Бангладеш, Бирма ва бошқа мамлакатларда бўлди. Темирйўллар, бобурийлар ҳаётига ва Ўзбекистон ўтмишига оид илмий-тарихий маълумотларни, қўлёзма асарлар нуҳсаларини, 300 дан ортиқ ноҳир китобларни жамлади. Барчасини Бобур

фалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.

**Биринчидан.** Мен Владимир Владимирович Путиннинг бугун шакллантирилган ШХТ халқаро сўбатининг амалий органи сифатида ўз ўрнини топиши, унда ШХТ таркибига кирувчи ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари инобатга олиниши кераклиги ҳақидаги бу ерда билдирган фикрига тўла қўшилман. Уйлайманки, бунда блокларга бўлинишлар ва минтақадаги рақобатчиликнинг ҳар қандай кўринишлари мутлақо самарасиздир.

**Иккинчидан.** Халқаро террорчилик, радикал, таъвоузор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч мунобағисиз, ШХТ фаолиятининг энг муҳим таркибий қисмига айланмоқда. Айнан шу вазифаларни ҳал қилиш учун Минтақавий ақсилтерор марказ тузилмоқда.

Бу ўринда, террорчилик ҳаракатлари кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай айиринсоний таҳдид ортда турган усурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Муҳтарам давлатлар раҳбарлари!

ШХТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши ҳамда бугун шакллантирилган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги нутқи

(Москва шаҳри, 2003 йил 29 май)

Муҳтарам Раис жаноблари! Хурматли давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзолари, хонимлар ва жаноблар, Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Россия Федерацияси раҳбариятига, шаҳсан Президент Владимир Владимирович Путинга бизга қўриқилган муҳоммаднинг юқори савияда ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Ўз мамлакатини номидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида илк бор иштирок этётган Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан ҳамда барча давлатлар раҳбарлари ва делегациялар аъзоларига чуқур, самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Маъмур учрашув, шубҳасиз, ШХТнинг ички шаклланиш жараёнида алоҳида ўрин тутди. Бугун биз, мо-

ҳитян, ташкилотимизнинг институционализация ва ташкилий асосларини шакллантириш жараёнига юқинига етказмоқдамиз, биргалликдаги ҳаракат ва ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичга чиқиш учун зарур ҳуқуқий пойдеворни яратмоқдамиз.

Имзоланадиган муҳим ҳужжатларини муҳокама этиш ва таъбирлаш чоғида амалий, дўстона ва ҳар бир мамлакат манфаатларини инобатга олувчи руҳ ҳукмрон бўлганини катта мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Биз ШХТнинг Ижроси қотиби лавозимига тайинлаш учун жаноб Чжан Дягуан номиндан қўллаб-қувватлаймиз, унга бундай масъул ишда муваффақият ва самарали ташаббуслорлик тилаймиз.

Хурматли учрашув қатнашчилари! Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро

барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда. Дунё халқларо террорчилик, радикал экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган қўламли, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуроли тарқалиши ҳавфга дуч келди.

Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёбасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда.

Яна бир гап шуки, халқаро ҳаётдаги сўнгги воқеалар ўткир низоли муаммоларини ҳал қилишнинг анъанавий, шаклангандек туюлган ёндашув ва услублари ҳар доим ва ҳар соҳада ҳам ўз самарасини кўрсата олмаётгани ва, лўнда қилиб айтганда, тақомиллаштирилиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Уйлайманки, сўнгги йиллар воқеаларининг мантиқий давоми, бутун дунёда вазиятнинг жадал ўзгариши, шакл шубҳасиз, Марказий Осиё минтақасига жаҳон ҳамжиамиятининг эътиборини янада қўчайтиришини исботлаб ўтириш шарт эмас.

Бу, биринчи навбатда, минтақавий нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал-ҳовмаше захираларига бойлиги, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли.

Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустақамлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тутган ўрни беқисс, у шаклланиши сари минтақадаги таъсир, шубҳасиз, муттақил қўнайиб боради.

Муҳтарам давлатлар раҳбарлари! ШХТнинг ривожланиши ва нуфузи ортиши ҳамда бугун шакллантирилган ташкилий тузилмаларнинг вазифалари ҳақида гапирганда қуйидаги масалаларга қисқача тўхталмоқчиман.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги нутқи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биз ақдипарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда, ёшларимиз онгини эгаллаётган ва захарлаётган, уларни ўзининг итоактор куралига айлантираётган мафкура йўлида мустақкам тўсиқ қўйиб буғунги кунда муайян жинойт террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Минтақамизда "Ҳизбут-таҳрир" каби экстремистик, айирмачилик ташкилотлари фаолияти тобора хавфли тус олмоқда. У конституциявий дунёвий давлат тузумига қарши чикиб, ўрта асрлардаги ислом халифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур гоёни тарғиб қилмоқда.

Дарвоқе, бу реакцион ақдипарастлик ҳаракати деярли барча араб мамлакатларида тақдирланган, яқинда минтақанинг кўпгина мамлакатлари ва Россияда ноқонуний деб эълон қилинди.

Лекин, таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмапти. Бу эса, ўз навбатида, бутун минтақадан хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлаш ҳамда мустақкамлашга таъсир кўрсатмай қолмайди.

Учинчидан. Келажакда ШХТ фаолиятида иқтисодий йўналиш изчил юксалиб бориши шубҳасиз. Бугун бу ҳақда кўп ҳамкасбларимиз гапириши. Турмуш шариоитини тубдан яхшилаш ва муносиб келажакни таъминлаш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш - бу, пиروвардида, халқларимиз куётган мақсад-муддаодир.

Бугун биз камбағаллик, аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётдаги ечилмаган муаммолар ҳақида гапиришимиз. Миграция масалалари ҳам муайян кескинлик касб этмоқда. Бу ва бошқа мураккаб муаммоларнинг ҳал этилмагани мамлакатларимиз ва бутун минтақа келажак учун катта хавф солмоқда.

Шу боис ШХТ доирасида ҳам интеграция, умуминтақавий бозор яратишга ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш борасида биргаликда ишлашимиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Аминманки, бу масалаларнинг ҳал этилиши ШХТга аъзо барча давлатларнинг асосий манфаатларига бир хилда мос келади.

Шу маънода транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оши-

риш ҳамкорлигимизнинг энг муҳим стратегик йўналиши бўлиши даркор. Гап, аввало, Марказий Осиё ва Хитойни Россия, Европа ва жаҳон бозори билан боғлайдиган, мамлакатларимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, минтақадан кенг қўламда инвестициялар келишини таъминлаш учун исил қўрилмаган имкониятлар очадиган йўналишлар ҳақида бормоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб, яна бир бор ишонч билан айтмоқчиманки, ШХТ давлатлари раҳбарларининг ушбу саммити муҳим воқеа бўлиб қолади ва мамлакатларимиз ҳамда бутун минтақа хавфсизлиги, барқарорлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустақкамлаш йўлида янги имкониятлар очади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Илгари хабар қилинганидек, 2003 йилнинг 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Италия Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари М. Бонивер бошчилигидаги делегацияни қабул қилган эди. Учрашувда Италиянинг мамлакатимизда янги тайинланган элчиси А. Персиани ҳам иштирок этган эди.

## Ташқи ишлар вазирлигида

Сўхбат чоғида икки томонлама муносабатлар ривож ва Италиянинг Европа Иттифоқига бўлажак расмий муносабати билан Ўзбекистоннинг ЕИ билан ҳамкорлик масалалари юзасидан муфассал ва конструктив фикр алмашилганди.

Президент И. А. Каримов, шунингдек, элчи А. Персиани билан унинг Италия дипломатик ваколатхонасининг раҳбари сифатидаги бўлажак фаолияти ҳусусида сўхбатлаган эди. Давлатимиз раҳбари уни лавозимга тайинланиши муносабати билан кутлаб, Италия Республикасининг мамлакатимиздаги элчилик фаолиятига муваффақиятлар тилаганди.

Ўзбекистон раҳбари топширигига биноан, шу йилнинг 2 июнида Ташқи ишлар вазири С. Сафаров Италия элчиси А. Персиани билан учрашди. Элчи Ўзбекистон Республикаси Президенти номига битилган ишонч ёриқларини топширди.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ташкил этилган "Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Кун тартибиданги масалалар бўйича Жаҳон банки Эксперти Рональд Кларк, АКШ газначилиги маслаҳатчиси Илона Кастро, Жаҳон валюта фондидининг маслаҳатчиси Жон Зоҳраб, Австралиянинг Сие-сат йўналишларини ишлаб чиқиш ва режалаштириш компаниясининг консултантлари Лес Хеннинг ва Томас Маршело каби халқаро молия институтларининг вакиллари асосий мавзусида сўхбат қилди. Нотиқлар ўз мавзусларида давлат бюджетининг газначилик шаклидаги ижросига ўттиш орқали дав-

## Бюджетда Газначилик

қандай афзалликларга эга?

Давлат молиясини бошқаришни тақомиллаштириш ҳамда бюджет маблағлари самарали сарфланишини таъминлаш ва давлат бюджетини тайёрлаш жараёнини ислоҳ қилиш бўйича аниқ тақдирлар билдирилди.

Олий Мажлисида

унинг даромадлари ва харажатлари бўйича кўпроқ мувозатли таъминлаш, бюджет маблағларини ҳисоблаб чиқиш ва улардан фойдаланиш жараёни устидан текоз назорат ўрнатишга эришиш мумкин. Шунингдек, газначилик ҳокимият ва бошқаруш органларида бюджетнинг ижроси ҳақида ўз вақтида тўғри ахборот тақдим этиш, бюджетнинг таъминлаш жараёнини муассасаларнинг кредиторлик қарзи ўсиб боришини тўқтатиш учун ҳам шарт-шароит яратилади.

Давра суҳбати ҳамда мунозараларга бой бўлди.

## Сув иншоотларимиз хавфсизми?

Бу йил баҳор серёғин келгани боис, дарё ва анҳорлар бўлиб оқмоқда. Сув ҳавзаларида ҳам ҳар йилдан кўпроқ оби ҳаёт тўпланган. Бу деҳқончилик учун яхши, албатта. Лекин масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни мамлакатимиздаги 200 дан зиёд гидротехник иншоотларнинг қурилганга 30-40 йилдан ошадиган бўлиб, аниқроқ айтганда, бундай сув ҳавзаларининг ҳимоя қатлами, у ердаги ускуна ва жиҳозлар таъмирлаб ҳолга келиб қолган. Хавотирли томони шундаки, сув омборларининг аксарияти

аҳолига ноқулай шароит тудирадиган ҳудудда жойлашган. Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги "Улаасвуазорат" инспекцияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимизда бўлиб ўтган конференция ақорларида масалалар ечимига бағишланди. "Гидротехник иншоотларнинг илмий техник ва ҳўқуқий асослари" мавзусида кечган маърузада сув ҳўжалиги тизимидаги бирлаш-

малар, ташкилотлар, сув омборлари раҳбарлари, тегишли илмий-тадқиқот институтлари олимлари қатнашдилар. Унда "Гидротехник иншоотларнинг хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси, шунингдек тармоқдаги муаммолар атрофида муҳокама қилинди. Хавфсизлигини таъминлашда гидротехник иншоотларда электр энергияси ва алоқа воситаларини узилишлар бўлмағилганини чоралари белгиланди. Бундан ташқари, сув иншоотларини қўриқлаш хизматидаги эътибор қаратилиши эътиборга олинди. Конференция илмий ечимни юзасидан маъруза қилган олимлар хулосаларига кўча, тавсиялар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

"Бугунги кунда Ўзбекистонда тўрт минг нафарга яқин бола ота-она меҳрига зор. Биз уларнинг қалби, улар бизнинг юрагимиз. Эзгулик вақти келди. Унутма, Сен инсонсан!" Бу давбат, бу таъкид, бу ўқитиш "SEN YOLG'IZ EMASSAN" Республика Болалар ижтимоий жағмармаси томонидан 1 майдан 1 июнчага ўтказилган "Сен - инсонсан!" марафонининг деярли ҳар кун, ҳар дақиқасида қайта-қайта анграгани бежиз эмас. Чунки шу бир ой шаҳар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳаётида қизикarli учрашувлар, таассуротларга бой тадбирлар, савҳатлар билан ўтди.

## «Сен — инсонсан!» марафони тугади

— Хайрия марафони дастури бир неча тадбирларни қамраб олган эди, — деди ҳисобот йиғилишида маъруза жамгарма директори Жавлон Этамбердиев. — Дастлаб болалар уйи тарбияланувчилари ширкка бориши. Айлана автотомобиллар пойгазида қатнашди. Айниқса, тарбияланувчилар ўртасида ўтказилган минни футбол бўйича мусобақаларда улар шу даража қизиқиб қатнашишдики, буни қўриб ўзимиз ҳам қувондик. Ҳаммадан ҳам Ҳўжакеит ту-манидаги тоққа уюштирилган савҳат болаларда катта таассурот қолдирди. Бунни уларнинг юз-кўзларидан ўқиб

олиш қийин эмасди. Шунингдек, болаларимиз театр томошаларида бўлдилар, тенгдошлари чизган суратлар кўргазмасида қатнашдилар. Марафонимиз катта байрам концерти билан тугалланди. Буларни ўтказишдан мақсад аввало ота-она меҳрига зор болаларга уларнинг ёлғиз эмаслигини яна бир қарра ўқитириш, қолвераси, ночор болалик муаммоларининг ижтимоий нуқтан назардан тубдан ўзгаришига жамоатчиликнинг эътиборини қаратишга эришишдан иборат эди.

Албатта бу бир ойлик тадбирга шахримиздаги талай ташкилотлар ҳомийлик қил-

бағишланган тадбирда бў ҳомийларга алоҳида миннатдорчилик изҳор этилди. Шунингдек, шаҳар меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари жағмарма қошида ташкил этилган ўқув маркази, тўғрақлар, музокара клубига келиб, бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун бу ердаги имкониятлардан фойдаланишлари мумкинлиги таъкидланди.

Жамгармада қилинаётган ҳар қандай ишлар савоб ишини ҳар қим ҳар кун қилиши кераклигини қартиришимизга ўқтираётгандек, гўё...

Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

ТОШКЕНТ. (ЎАА мухбири Бобур СОБИРОВ). Венгрия пойтахти Будапешт шаҳри мэри Габор Демски раҳбарлигидаги делегация вакиллари 2 июн кун мамлакатимизнинг қатор идора ва муассасаларида учрашувлар ўтказди.

Меҳмонлар, жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб, пойтахт маъмурияти раҳбари Рустам Шоабдураҳмонов билан сўхбатлашди.

Музокара чоғида Ўзбеки-

тон-Венгрия ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланиб бораётгани таъкидланди. Томонлар мамлакатларимиз иқтисодий-тининг кўпала соҳалари, хусусан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик микёсини кенгайтириш имкониятига эга эканлигини таъкидлаб, айни пайтда бу борада амалий қадамлар қўйилад бошланганини айтиб ўтди.

Учрашувда, шунингдек, икки мамлакат ҳамкорлигидаги яна бир диққатга сазовор

соҳа — минтақаларо алоқалар борасида ҳам фикрлашилди. Бу ҳусусда гапириб, томонлар пойтахтлар ўртасидаги ҳамкорлик икки мамлакатнинг шаҳарларо алоқаларини янада ривожлантириш учун яхши замин яратиши мумкинлигини таъкидлади.

Музокарадан сўнг икки пойтахт раҳбарлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Будапешт шаҳри маъмурияти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо чекиди. Ушбу

ҳужжат нафақат Тошкент-Будапешт, балки Ўзбекистон-Венгрия алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилишига умид билдирилди.

Шу кунги делегация вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ҳақида Ўзбекистон му-сумлонлари идорасида бўлиб, ўзаро ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. Бундан ташқари, Будапешт шаҳри делегацияси пойтахтимиздаги Теурийлар тарихи давлат музейи ва бошқа диққатга сазовор жойларни томоша қилди.

## Оқсоқоллар деҳқонларга мададкор бўлишяпти



Анджон вилоятининг Пахтабод тумани деҳқонлари бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан пахта, 80 центнердан дон олишга ҳаракат қилмоқдалар. Ҳала ишқалларининг ривожини мўл ҳосил этиштирилишидан далолат бермоқда. Аммо гузанинг ўсиши устидан ишда-гидан бироз кечикмоқда. Чунки табиий офат тўғрисида маъжуд 7639 гектар майдонга чигитни қайта-қайта экишга тўғри келди. Шунда оқсоқоллар деҳқонларга мадад қилини қўздилар. Айниқса, республикада хизмат кўрсатган суеки Мелибой ота Акбаровнинг қимматли маслаҳатлари ижарачилар, фермерлар ва сув тақсимлаш иншооти ходимларида кўл келди. Натижасида бугунги кунда деҳқон меҳрига қонан гўзалар кунда бир яшамоқда.

СУРАТДА: Мелибой ота Акбаров ва «Теништон» сув тақсимлаш иншооти муҳандиси Муҳаммаджон Мискиннов навабдиги вазиғлар ҳусусида сўхбатлашмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# Доғни ювиш осонмас

ёки пойтахтимиз қурилиш ташкилотларида содир этилган қонунбузарликлар ҳусусида

Кундан-кунга чирой очаётган шаҳарларимиз ҳақида гап кетса, биринчи гада Тошкент тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта. Пойтахтимиз илгаридан чиройли, катта шаҳар. Аммо у кейинги ўн йил ичида янада кўркамлашди. Осмонлар бинолару мухташам уйлар, гўзал бозорлару кишини лол қолдирадиган кўприklar — бари-бари пойтахт ҳуснига-хусн қўшди.

Бу жуда яхши. Зеро, бунёдкорлик халқимизга хос хусусиёт. Табиийки, бундай улкан қурилишлар ўз-ўзидан булаётгани йўқ. Ҳўқуматимиз бу йўналишда бир қатор талбирлар ишлаб чиққан ҳолда катта миқдорда маблаг ҳам ажратмоқда. Улардан ўз касбининг устаси бўлган қурувчилар, меъморлар, қурилиш ташкилотлари оқилона фойдаланган ҳолда синдиқидилдан қилатган меҳнатини эътироф этиш зарур. Чунки, улкан ўзгаришларни улариёз тасаввур этиб бўлмайди.

Бироқ, бунёдкорлик касбини доғ тушираётганлар бу соҳада ҳам йўқ эмас. Текширишлар, таҳлиллар, ҳисоб-китоблар шундай хулоса чиқаришга олиб келди. Қурилиш материалларини талон-торож қилиш, бажарилган иш, ҳажмининг бўрттириш кўрсатиш, тендер савдоларини ўқанишдаги кўзбўямачиликлар орқали қурилишни узларининг даромад манбаига айлантириб олувчи қисмлар тои-

фаси пайдо бўлганидан афсуслансан, киши. Ҳусусан, бундай қўринишдаги қонунбузарликлар Тошкент шаҳар капитал қурилиш бош бошқармаси ҳамда пудратчи ташкилотлар томонидан ҳам содир этилганга нима дейиш мумкин?! Капитал қурилишда нарша шаклланиши, бюджет маблағларининг мақсадини ишлатилиши ҳамда тендер савдоларини ўқанишда қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ўқатилган текшириш кўпгина масалаларга ойдинлик киритди.

Авалло, таъкидлаш жоизки, ўтган йилда пойтахтимизда жуда катта миқдорда капитал қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, унинг миқдори 32 миллиард 520 миллион 865 минг сўмини ташкил этади. Уй-жой, коммунал тармоқлари, халқ таълими, маданият объектларини қуриш, таъмирлашга сарфланган маблағлар шулар жумласидандир.

Маълумки, тендер, яъни пудрат савдоларини ташкил этиш ва ўқатиш бошқа соҳалар каби капитал қурилишда ҳам энг самарали усул саналади. Шу сабабдан Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 28 февралда "Ўзбекистон Республикаси ҳудудда капитал қурилишда пудрат савдоларини ташкил этиш ва ўқатиш" тартиби тўғрисида"ги қарор қабул қилинган. Лекин бу муҳим масала неғадир Капитал қурилиш

бош бошқармаси мутасаддиларининг эътидан қўтарилган қўринади. Оқибатда ушбу йўналишда 2002 йилда бир марта ҳам тендер савдолари ўтказилмаган. Жумладан, шаҳар ҳудудда мўлжалланган уй-жойларни қуришда тендер савдолари ўтказмай, бу қурилишлар фақат "ЭКОБД" комбинати томонидан амалга оширилишига рухсат берилган. Бунга сабаб қилиб эса, рўйхатта киритилган уй-жойлар конструкцияси қурилишига ушбу комбинатнинг ихтисослашганлиги қўрсатилган. Шунингдек, ўтган йил давомида қурилиш материаллари ва ускуналарини сотиб олиш борасида ҳам Капитал қурилиш бош бошқармаси томонидан бирон марта тендер савдоси ўтказилмаган. Яна нима учун, деган савол туғилади. Сабаб шунки — қурилиш ташкилотларининг мансабдор шахслари ўз мансаб ваколатларини суниётмаслик қилишган. Яъни ҳўжжатлар қўриқлаштирилиб, бажарилмаган ишларни қўриб ёзиш, тендер савдоларини ноқонуний ҳада номинатига ўқатиш, тендерда белгиланган нарҳларга амал қилмасдан, қурилиш материалларини атайлаб учинчи шахслардан қиммат нарҳларда олиш, мавжуд товар-моддий бойликларни талон-торож қилиш аж олган.

### Ислохот йўлидаги говлар

нинг 26-қурилиш бошқармаси ҳамда буюртмачи — Капитал қурилиш бош бошқармаси мансабдор шахслари томонидан бажарилмаган иш қўриб ёзилган. Оқибатда давлат бюджетига 1607938 сўмлик зарар етказилган.

Худди шундай ҳолат Амир Темур кўчасидаги 2, 2-а уй, Фарғона йўли кўчаси 1-уй манзилдаги тўққиз қаватли уй-жой қурилишида ҳам содир этилган.

Ҳади қурилишлардаги яна бир нуқсон ҳақида гапирганлик. Бу биноларнинг йиллаб битмай ётиши билан боғлиқ. Яъни айрим объектлар асосини равишда аччиқ ичакдек қўзилиб ётаверди. Ҳар-ҳар замон, унда-мунда иш бажарилаётган ўқит қўриқлаштирилган, яна унутилади. Табиийки, бу аҳолининг ҳақни эътирофига сабаб бўлади. Чунки қурилишнинг қўзилиши маҳалла-қўйга ноқулайлик ту-

дирди. Ана шундай битмас бинолардан бири Собир Раҳимов туманидаги Қамарини-со кўчасидаги Илмий-техник ҳўжатлар марказий архивининг маъмурий биноси қурилишидир. Утган асрда бошланган бино асдида икки йилда топирилиши лозим эди. Аммо тўра гўшти еган бу қурилиш мана, ўн олти йилдирки, битган эмас. Номидан қўриб турибдики, бу жуда муҳим иншоот.

Ахир сақлаб қўйилиши лозим бўлган илмий-техник ҳўжатларимиз бизда озми? Лекин айрим мансабдорларнинг совуққонлиги оқибатда сансоларликка йўл қўйилган. Устаси-устак архив биносининг чала қурилишида ўрнатилган эшик, деразалар ва бошқа ускуналар талон-торож қилиниб, давлат манфаатига жиддий зиён етказилган. Қўриб турибдики, бино қурилишининг қўзилишидан ҳар томонлама зарар қўрилади. Бундай ҳолатлар учун ким масъулликни ўз зиммасига олади? Ахир шаҳар бедарвоза эмас-ку!

Энди қурилишларда одад тусига айланган бир қусурга эътибор қаратайлик. Бу учинчи шахс иштирокидир. Мадлумки, қурилиш ташкилотлари лозим бўлган материал, буюмларни тўғридан-тўғри қорхона-ташкилотдан олишга ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Бироқ, шундай бўлгани ҳолда айрим қурилиш ташкилоти раҳбарлари учинчи шахсдан, яъни воситачининг воситачисидан қиммат нарҳда материал олишни ўйнай билалдилар. Нега?

деб топилган. Коллежда қурилиш ишларини тугаллаш муддатлари асоссиз равишда узайтирилиб, қурилиш-таъмирлаш харажатлари 1 млрд. 176 млн. 641 минг сўмга оширилган, бунинг натижасида тендер контрактлари баҳадан 192941 минг сўм ортиқча бюджет маблағлари сарфланган.

Бундан ташқари реконструкция даврида 77 млн. 800,5 минг сўмлик қурилиш материалларини учинчи шахслар орқали сотиб олиниши натижасида давлатга 7 млн. 130 минг сўм миқдорда зарар етказилган. Бундай ҳолатлар Юнусобод туманидаги Саёҳат касб-ҳўнар коллежи, Чилнозор туманидаги Метрополитен касб-ҳўнар коллежи, Акмал Икромов туманидаги Миллий ҳунармандчилик коллежларини тўққиз таъмирлаш бўйича ўтказилган тендер савдоларида ҳам учрайди.

Халқимизда қинғир иш, келтирар ташвиш, деган мақол бор. Бу бежизга айтилмаганлигини нопоқ йўлни таллаш, қўриб ёзиш ёки қалбақлик тўғрисида мўмай даромад топиш илмидига бўлган сирни фўш этилгандан кейингина ўйлаб қолганларидан аниқ. Эътибор, умарилар, қонунбузарлик ҳалол, пок, маънавий баркамол қурувчиларнинг юзини ҳам шувут қилиб қўйди. Улар шайғига тушган доғни ювиш осонми? Афсу...

Мирраёла МИРЗАЕВ, Тошкент шаҳар прокуратурининг биринчи ўринбосари, одлия катта маслаҳатчиси. Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Банк лизинги — қулай имконият

"Тадбиркорбанк" акциядорлик тижорат банки кейинги йилларда кичик ва ўрта бизнесни, жумладан, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Банк истеъмол бозоридagi фаолиятини янада кенгайтириш борасида юридик ва жисмоний шахслар учун кенг қўламда хизмат кўрсатишнинг қулай усулларини йўлга қўймоқда. Жумладан, "Лизинг тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ 2002 йилнинг сентябрийдан бошлаб тизимдаги банк бўлимида да молиявий лизинг муносабатларини кенг жорий этишга киришилди.

Бундан банк, асосан, қишлоқ ҳўжалиги секторини, яъни ширкат ва фермер ҳўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш, иш самарадорлигини ошириш ва ерта ишлов беришни энгиллаштириш мақсадида трактор эҳтиёт қисмларини молиявий лизинг хизмати асосида фойдаланишга берилишига кўмаклашмоқда.

"Тадбиркорбанк" да лизинг операциялари қўламини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида марказлашган фонд билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Нурали ЭШКУВ-ВАТОВ ЎАА мухбирига қўйидагиларни гапириб берди: — Ҳўжалик юритувчи субъектлар лизинг объектларини олиш учун жойлардаги банк бўлимида лизингга лизинг буюртмачисига лизинг ҳисоботлар, мол оқими мажбурий кўрсатилган бизнес-режа ҳамда лизинг объектнинг қайтмаслик хавфининг олдини олиш учун таъминот туридан бирини тақдим қилиши лозим. Жойлардаги бўлимида лизингнинг Эксперт кредит қўмитаси томонидан миқдорларининг лизинг объектга бўлган эҳтиёжи, имконияти ҳамда тўлов қобилияти ўрганиб чиқилади ва ижобий деб топилганларга шартнома асосида лизинг объект фойдаланишга берилади.

Бугунги кунда банкимиз томонидан миқдорларга 472,6 миллион сўмлик лизинг хизмати кўрсатилади. Уларга 192 лона трактор мотори ҳамда бошқа эҳтиёт қисмлар фойдаланишга берилди. Бундан ташқари, трактор ва трактор прицеплари учун шина ва бошқа турдаги эҳтиёт қисмлар берилиши ҳамда иқтисодий таъминнинг бошқа реал секторларига ҳам лизинг муносабатлари асосида хизмат кўрсатилиши режалаштирилмоқда.

О. НОРБЕКОВ, ЎАА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

боғидаги «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб-музейига тўхфа эди. Бундан ташқари, Абу Райхон Берунийнинг Афғонистондаги Фаъна шаҳрида айрон бўлиб ётган қабридан хок олиб келтирди. Эндилда аллома таваллуд топган қадимий Кот, ҳозирги Беруний шаҳрида унинг рамзий қабр-мақбараси тикланмоқда.

Илмий изланишлар натижасида Аҳмад Фарғонийнинг жасди Қоҳира (қадимги Футот) шаҳридаги қабристонга қўйилгани аниқланди. Бобоканонимизнинг ўша қабридан олинган тупроқ ҳам у туғилган кўна Қубо (Кува) шаҳрига олиб келинди.

Бобур Мирзо таваллудининг 520 йиллиги муносабати билан қомусий асар — «Бобурнома»нинг янги, тўлдирилган, сифат жиҳатидан жаҳон андозаси талабларига мос келадиган наҳри чоп этилди. Жамғарма ҳомиёнигида П.Қодировнинг «Бобур», «Мардик», Ж.Воҳидовнинг «Биз билган ва билмаган Бобур», Х.Султоннинг «Бобурийнома», З.Машрабов ва С.Шокаримовларнинг «Асарларни бўйлаган Бобур», Қ.Кенжабоннинг «Хилд соғина», «Бобурийлардан бири», А.Иброҳимовнинг «Бобурийнома» — буюк асар, С.Жалиловнинг «Бобур ва Юлий Цезар» асарлари, Гамбурудан келтирилган ва Шафқат хоним Еркин тайёрлаган Шоҳ Фароб Мирзо (Фа-

рибий) девони, О.Тожибоевнинг «Бобур армони» жами ўндан ортқ китоб нашр этилди. Айни пайтда ёзувчи Қамчибек Кенжанинг «Андижондан Бангладешгача» рисоласи нашрга топширилди. Шунингдек, илмий экспедициямиз хориз сафарларидан олиб қайтган, Анна Флора Стилиннинг «Хож кийган дарвеш (Бобур)», Рашбрук Уильямнинг «XVI аср бунёдкори (Бобур)», Херальд Лембинг «Бобур — йўлбарс», Руме Го-

Москва, Ўш ва бошқа шаҳарларда бўлим (маданият марказлари) ташкил этилди. Улар билан илмий-маданий алоқалар йўлга қўйилди. Утган давр мобайнида илмий экспедиция ўз нигоҳини кўпроқ Шарқ мамлакатларига қаратди. Теурийлар ва бобурийларга оид нодир манбаларнинг кўпчилиги эса Европа мамлакатлари музейлари ва кутубхоналарида сақланмоқда. Демак, уларни ўрганиш ва ватанимизга олиб келиш жам-

эди. Сўнгра Ҳирот ҳокими билан учрашиб, шоир мақбарасини биргаликда таъмирлаш хусусида келишиб олданди. Юртимизга қайтиб, бу ишни амалга ошириш режаларини тузиш ҳақида ўйлаш бошладик. Шукурки, бахтимизга Президентимиз Ислоҳ Каримов 1994 йил 4 октябрда Андижонга ташриф буюриб, Бобур рамзий қабрини зиёрат қилар экан, Алишер Навоий мақбарасининг ҳолати билан ҳам қизиқди. Шу асно бизга бобокало-

# МУҚАДДАС БУРЧ

деннинг «Гулбадан»и каби ноёб асарлар республикамизнинг стук олим-ёзувчилари томонидан ўзбек тилига таржима қилинмоқда ва жамғарма буюртмасига биноан чоп этилиши режалаштирилмоқда. Айни чоғда жамғармаимизнинг Афғонистон бўлими раҳбари, ўзбек олимаси, шоира Шафқат хоним Еркин томонидан сараланган, эълон қилинган газал ва шеърлардан иборат Бобур девони ҳамда Уильям Эрскиннинг «Бобур ва Эрон» китоби ҳам нашрга тайёрланмоқда.

Бугунга қадар жамғармаимизнинг Лоҳур, Деҳли, Билефельд, Манчестер, Киото,

фармаимизнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Миллатимиз фахри ва ифтихори, улғу мутафаккир Алишер Навоийнинг абадий оромгоҳи масаласи бугунги энг долзарб муаммолардандир. Биз илк бор аввалги Хуросон, ҳозирги Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрига экспедицияимизнинг 1993 йилги сафари чоғида бордик. Ушунда Навоий бобомизнинг машҳур Музалло майдонида мунгайиб турган, гумбазларида узоқ йиллик уруш асоратлари қолган, йўллари тиканлар бостан, атрофи харобага айланган мақбарасини кўриб, юракларимиз эзилган, кўзларимиз ёшланган

нимиз мақбараси билан боғлиқ аҳвол ва вазиятни пухта ўрганишни, келажакда у жойни таъмирлаш-тиклаш режаларини тузишни топширдик. Бу шарафли вазифа бизга қанот бўлди. Жамғарма тасарруфидидаги «Мадор» муҳандислик иш-лаб чикариш бошқармаси мутахассисларини уч марта Ҳиротга олиб бордик. Музалло майдони, Навоий қабр-мақбарасини таъмирлашга доир инженерлик-геоёсейсмологик кидирув ишларини амалга ошириб, қурилиш-таъмирлаш бўйича лойиҳа тайёрладик. Мана энди Олий Мажлис сессиясида Юртбошимиз мўътабар минбардан туриб, бошқа

буюк аждоғларимиз сингари Алишер Навоий ётган табарук қадамжони ҳам таъмирлаб ободонлаштириш масаласини барча мутасадди ташкилотлар олдига вазифа қилиб қўйди. У кишининг улугларимиз хотирасига ҳурмат-эҳтиромни адо этиш, уларнинг Ўзбекистондан ташқарида дафи этилган жойларини ободонлаштириш борасидаги тақдирларини рўйбга чиқариш мақсадидан Олий Мажлис Кенгаши махсус қарор қабул қилди. Бу муқаддас вазифа ҳар бир ўзбеки, буюк бобомизнинг ҳар бир миллатдоши ва ворисини тўлқинлантирган, шубҳасиз. Менинг қанчалик ҳаяжонланганимни эса ўзингиз тушунарсиз. Ахир баҳол қудрат олиб бораётган ишларингизни, юрагингиздаги ниятларингизни давлат раҳбари бутун халқ олдига, бутун дунё олдига маққуллаб турса, ишингизни изчил давом эттиравингиз, лея дадла берса, тўлқинланмай бўладими! Ўша фурсатдан эътиборан мен кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилгандай ҳис эътияман ўзимни.

Хуллас, Юртбошимиз жамоат ташкилотларига, шу жумладан, бизга ҳам катта ишонч билдирди. Бу ишонч зиммаимизга улкан масъулият юкляди. Зеро, жамғармаимиз бундан кейин ҳам халқро аҳамиятга молик илмий-маданий, маърифий тадбирларни доимий равишда амалга ошириб боришни режалаштирган.

«Пилла-2003»

## Шўрчиликлар зафару



Шўрчи тумани пиллакорлари шартнома режасини олти билан удаладилади. Тайёрлов идорасига 80 тонна ўрнига 92 тонна пилла етказиб берилди. Бу муваффақиятга, айниқса, «Ободон», Оқунбобоев номли, «Толли», А. Сафаров номли, Т. Бердиев номли, «1-Уртабўз» ширкат ҳўжаликларига муносиб улуш қўшди. Бийнонр Соатов, Хуррам Қодиров, Алишер Сафаров, Ментсора Бердиева, Сайёра Чўтбоева, Саломат Абдуллаева, Шавкат Қурбонов ва Ёрқиной Меньгнорова каби оилавий пулратчилар ҳар бир кўтидан 80-100 килограмдан хомашё тайёрлаб, бошқаларга ўнақ кўрсатишди.

Етиштирилган «қумуш тола»ни «Шўрчи пилла» масъулият чекланган жамият қошидаги цехда қайта ишлаш бошлаб юборилди.

Х. КАРИМОВ.

## Янгилıklar, воқеалар, далиллар

### Террорчилар исми маълум қилинди

Саудия Арабистони ҳукумати Ар-Риёдда амалга оширилган террорчиликда айбланаётган 11 кишининг исми-шарифини ва миллатини маълум қилди. Бу террор оқибатида 35 киши ҳалок бўлганди. Террорчиларнинг барчаси Мадина шаҳрида қўлга олинган.

Маълум бўлишича, уларнинг 9 нафари саудиялик ва иккитаси марокашлик фуқаролар экан.

Саудия Арабистони ҳукукни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг айтишича, ҳибсга олинганлар мамлакатда яна бир неча террорчилик хуружларини амалга оширишни режалаштиришган экан.

(Reuters)

### Шимолий Кореяда ядро қуроли борми?

КХДР вакиллари Пхеньяндаги музокараларда америкалик конгрессменларга Шимолий Кореяда ядро қуроли борлигини ва унинг сонини кўпайтирмоқчи эканини маълум қилди. Америка делегацияси вакили Курт Уэлден АҚШга қайтган, «Улар ядро қуроли борлиги ва керакли инфратузилма мавжудлигини тан олишганини» ҳамда ядро дастурини кенгайтирмоқчи эканлигини таъкидлаганини айтган.

Лекин кўпчилик хорижий мутахассислар Пхеньянинг ядро қуроли ишлаб чиқариш салоҳияти борлигига шубҳа билдирмоқда.

(Associated Press)

### Олий ўқув юрталари ёпилди

Кеча Мьянмадаги барча олий ўқув юрталари талабалари ҳарбий хунтининг буйғурини бажараётган мамлакат махсус хизмати вакиллари томонидан ўқув биноларига киритилмади.

Мамлакатдаги барча олий ўқув юрталарини ёпиш ҳақидаги қарор демократик муҳолифат етакчиси, Нобель мукофоти совриндори Аун Сан Су Чиннинг ҳибсга олинишидан кейин қабул қилинган, лекин кўп талабалар бу қарордан беҳабар эди.

Сўнгги бор Мьянма олий ўқув юрталари ўтган аср 90-йиллар охирида ёпилганди. Ушунда бунга демократик муҳолифат уюштирган тартибсизликлар сабаб бўлган эди.

(Reuters)

### Қўпоровчи судланмоқда

Индонезияда ўтган йили Бали оролида амалга оширилган террорчиликларда айбланаётганлар устидан суд бошланди.

2002 йилнинг 12 октябрдаги юз берган мазкур қўпоровчиликларнинг асосий ташкилотчиси Имом Самудра бўлиб, айнан у террор объекти сифатида кўпроқ хорижликлар ташриф буюрадиган дискотекалардан бирида танлаш гоҳисини илгари сурган.

Жиноятчининг айблари тасдиқланса, унга ўлим жазоси тайинланиши кутилмоқда.

(Associated Press)

### Дунёдаги энг йуриқ сув омбори

Хитой «Саньси» («Уч дара») сув омборини тўлдиришга киришди. Унинг базасида 2009 йилга қадар дунёдаги энг катта сув омбори барпо этилади. Хитойликларнинг ўзи бу лойиҳани қўлдан жиҳатидан Буюк Хитой деворига тенглаштиришмоқда. Кеча узунлиги 6 минг километри ташкил этган Янцзи дарёсини тенг иккига бўлиб турувчи тўғон ишга тушди.

10 йил давомида барпо этилган мазкур иншоотга Хитой ҳукумати 25 миллиард АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфлади. Ҳукумат вакиллари ўтган аср давомида 300 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган ва беқийс зарар келтирган сув тошқинлари муаммоси техник йўл билан ҳал этилганига шубҳа қилишмапти. Бундан ташқари, шу йил охирида ишга тушадиган 26 та улкан генератор 2009 йилга бориб лойиҳа бўйича қурилиш якунлангач, йилига 18 миллиард киловатт электр энергия ишлаб чиқара бошлайди.

Corriere Della Sera

## Миллий дастур ниҳоллари

### Магистрлар — истиқлол ёшлари

Етти юздан ортқ магистрларнинг илмий маъруза мавзулари киритилган дастурни варақлаб кўрган ҳар қандай кишининг хаёлидан бир фикр ўтиши, шубҳасиз. Келажак иқтисодий ёшлар қўлида, фаннинг раванқи шу йигит-қизларнинг дадил одимлари, изланишларида боғлиқ. Зеро, кунги кеча Ўзбекистон Миллий академик драма театрига йилдангил маълумотида олий ўқув юрталарида тахсил олаётган магистрлар ва уларнинг устозларининг ҳаяжонини тушуниш қийин эмас эди. Чунки республика магистратура талабаларининг бундай катта йиғини илк бора ўтиши.

Магистратурани аспирантурага тайёрларликнинг биринчи қадами, дейиш мумкин. Бу даврда магистрларни илмий фаолиятга ўргатиш, жумладан, мақола ёзиш, анжуманларда қатнашиш, ўз ишларини ҳимоя қила олиш учун ижодий мулоқот, тортишувларга ўргатиш муҳимдир. — дейди мазкур тадбир ташкилотчилардан бири, Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти директори, физика-математика фандари доктори, профессор Эркин Имомов. — Шу маънода магистр-талабаларга имконият яратиш мақсадида дастлаб республика олий ўқув юрталарида илмий анжуманларнинг биринчи турини ўтказдик. Унда сараланган магистратура талабалари Тошкентда юз кўришиб туришди. Бир неча йўналиш бўйича ўтадиган шўба йиғинишларида магистрларнинг илмий маърузалари тингланди. Ишлари шўба раислари, етакчи олимлар томонидан муҳокама қилинди, баҳоланди. Зарур маслаҳатлар берилди. Йўл-йўриқлар кўрсатилиди.

Эшитилган кўрган афзал дейишди. Анжуман очилишидан аввал қатнашчилар театр фойесида турли макетлар, компьютер лойиҳалари, илмий ишлари, мақолалари чоп этилган журналлар, тўпламлар билан танишиш имкониятига эга бўлишди. Фарғона политехника институтидан келган магистр Шерождон Йўлдошев ўзининг «Кварц» акционерлик жамиятида ишлатиладиган қопил деталларнинг қўлдан ишланган усуллар таҳлили ҳақидаги илмий ишнинг иқтисодий самараси, камҳаржлиги, сифати ҳақида ишонч билан гапираркан, насиб этса бу кейинги илмий йўналишларига асос бўлишига ишонди. Чунки унинг илмий ишини Кува-сойдаги «Кварц» заводда амалиётга татбиқ қилиш бўйича ҳаракатлар бошланган. Магистрларнинг бундай эътиборли ишлари эса талайгина.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Соғлиқни сақлаш, Қўшлоқ ва сув хўжалиги, Маданият ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ўтказган бу илк анжуман иқтисодий ёшларнинг ўз илмий салоҳиятини намоян этишига имкон бўлса, бақаларлик дипломинин олиб, магистрликка ҳавас қилаётганларга ўнақ, намуна бўлиши, шубҳасиз.

Амида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.



## Фарзандлар қувончи — олам қувончи

1 июнь — Халқро болаларни ҳимоя қилиш кунин юртимизнинг барча гўшаларида шоду хуррамлик билан ўтди. Тошкент вилоятининг Олмалик кон металлургия комбинати маданият саройида бўлиб ўтган шундай тадбирга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ болалар жамғармаси, Қувайт Халқро хайрия жамғармаси ҳомийлик қилди. Унда мамлакатимиздаги Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Малайзия, Индонезия, Польша, Озарбойжон, Исроил, Украина ва Қозғистон давлатларининг элчихоналари вакиллари, юзлаб болажонлар иштирок этидилар. Жажжи ўғил-қизларни дастлаб Бош ва-

зир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Гуломова кўтлади. Шундан сўнг саҳнада ёш спортчи — ўғил-қизлар пайло бўлиб, ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Кейин эса болажонлар ижросида ўзбек халқ миллий қўшиқ ва рақслари, шунингдек рус, араб, корей, озарбайжон, болгар, поляк, белорус халқларининг миллий қўшиқ ва рақслари ижро этилди. Тадбир ниҳоятда қизил ярим оий жамияти Олмалик шаҳрилик ўн ёшли Озода Каримовага ногиронлар арава-шунингдек, бошқа қўлаб болаларга ҳам турли совғалар улашилди.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Дунё — болалар нигоҳида

Пойтахтимиздаги замонавий санъат марказининг кўргазмалар залида республикамиз «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари чизган расмлар ва яратган амалий санъат буюмлари асосида анъанавий «Камалак жилоси» кўрик-танлов кўргазмаси очилди.

Ушбу кўргазма шу маънода анъанавийки, Ўзбекистон Бадий академияси Бадий кўргазмалар дирекцияси, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси фан ва таълим маркази, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси ҳамда Замонавий санъат маркази дирекцияси Узро ҳамкорлигида уни ташкил этишиб, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларининг чизган расмлари, яратган амалий безак санъати буюмларининг ҳар йили мунтазам ўтказиб туриладиган кўрик-танловига айлантирилди.

«Камалак жилоси» кўрик-танлови «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари орасидан бадий иқтисодий ёшларни аниқ-

лаш ва тарбиялашга, уларнинг тасвирий санъат ва амалий ҳунармандчилик ижодиётига бўлган қизиқиш ва илхосларини янада чуқурлаштиришга қаратилган яхши бир тадбирдир.

Кўргазмага Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги «Меҳрибонлик» уйларида тарбияланувчиларнинг 250 га

## Кўргазма

яқин энг сара акварел расмлари ҳамда амалий санъат буюмлари қўйилган. Асарларнинг мавзулари ранг-баранг, ишланши даражалари ҳам ҳар хил. Чиндан ҳам, кўргазма камалак жилоларининг эслатади. Аммо битта муҳим нарсани уларни бирлаштириб туради. Бу — болаларнинг дунёга, борлиққа, ҳаётга ўзига хос қараш, расмлар ва буюмларда акс этган болакайларнинг содда ва ёрқин ички дунёси, орзу ва хаёллари, қизиқиш ва майлларидир. Кўргазма асарларида она юрт табияти, бетакрор баҳор гўзалликлари, меъморчиликка онд шаҳар

манзаралари, этнографик кўринишлар тасвирланган. Улардан ташқари кашгачлик намуналари, болажонларнинг семимли эртрак қаҳрамонларини узид акс эттирилган ўйинчоқлар, қўғирчоқлар...

Кўрик-танлов икки босқичда ўтди. Биринчи босқичда ҳақамлар ҳайъати вилоятлар бўйича голибларни аниқлаб берди. Уларнинг орасида тошкентлик И.Шевченко, андижонлик Д.Зияутдинов, қашқадарёлик М.Ҳошимов, хоразмлик Б. Болтаев, самарқандлик Ш.Худоберов ва бошқалар бор.

Кўрик-танловнинг иккинчи босқичида Тошкент шаҳридаги 21, 22, 23, 24, 30, 31-сонли «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари қатнашиб, томошабинлар кўз ўнгиде ўз қобилиятларини намойиш этиб, расмлар чиздилар. Ҳар бир расм ўзига хос бир маҳорат билан дунёга келди ва томошабинларнинг олқилишларига сазовор бўлди. Шу босқичда беш мўъжиза соҳибларининг барчаси кўрик-танлов совринлари билан тақдирландилар.

М.САФАРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

- кафедра мудири, профессор, фан доктори: мусиқий танқидчилик ва журналистика;
- кафедра мудири, профессор: камер мусиқаси;
- профессор: мусиқа тарихи (1), академик хонандалик ва опера тайёрлови (1), хор дирижёрлиги (1);
- доцент: махсус фортепиано (1), умумий фортепиано (2);
- катта ўқитувчи: камер мусиқаси (1), эстрада хонандаллиги (1), мусиқа тарихи (1).

Танлов мuddати — эълон чоп этилган кундан бешинчи кунгача.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими. **Телефон: 144-94-51.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚУМИТАСИ

Физик-кимёвий аналитик ўсқунчалар ва кимёвий анжумалар қарид қилишга

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-29, 120-76-69.

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Манзил: Тошкент ш., Ўзбекистон шоққўчаси, 3-уй.

Тақлифлар эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кун мuddат ичида қабул қилинади.

Тақлифлар муҳрланган пакетларда мурожаат хати билан қабул қилинади.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Наманган шаҳри, Амир Темур кўчасидаги қурилиш тугалланмаган турар-жой биносини вилоят жиний ишлар бўйича суд биносига мослаштириш.

Қурилиш тугаллаш мuddати — 8 ой.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 26-уйда жойлашган судлар департаменти Наманган вилояти ҳудудий бўлими. Телефон/факс: 6-39-36.

Қурилиш ишлари судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятлар ва материаллар захирасига, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳўжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пулрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Наманган вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават). иш вақти соат 10.00 дан 17.00 гача. Тел./факс: (8-36922) 6-14-50, 6-47-91.

Тендер ҳўжжатарининг нархи — 50000 (эллик миң) сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юкоридаги маънида қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Тақлифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, ўттиз кундан кейин соат 14.00да қуйидаги маънида ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

## «ТОШКОЧАВТО» МЧЖ

Самарқанддаги «СамКочАвто» заводининг ваколатли сервис-станцияси бўлиб, заводнинг техник мутахассислари билан биргаликда 2003 йил 2 июндан 10 июнга қадар ОЧИҚ-ЁШИҚЛАР КУНЛАРИ

тадбирини ўтказди. Тадбирдан мақсад Ўзбекистонда ва Туркияда ишлаб чиқарилган «Uzotoyol» ва «Otoyol» автобуслари ва юк автомобилларини бепоул техник ташқисдан ўтказиш ҳамда сизларни қизиқтирган саволларга жавоб беришдан иборат.

УШБУ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЬ СОҲИБЛАРИНИ ТАДБИРГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Тадбир вақти — 10.00дан 16.00гача. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 27-уй (мулклар: метронинг «Собир Раҳимов» бекети, «Тошкент-Лада» худуди). Телефонлар: 115-28-91, 79-45-74, 79-54-96, 79-47-89.

**БИЗ СИЗНИ КУТАМИЗ!**

